

Б У Й Р У Қ

“ДКЗ” АЖ

№ 108 - и/ч

«27» март 2020 йил

“Давлат харидлари тизимини тартибга олиш ва дебитор - кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссиянинг таркибларига ўзгартириш қиритиш тўғрисида”

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва қарорларининг самарали ижросини таъминлаш, шунингдек, хўжалик фаолиятида зарурий товар(иш,хизмат)лар учун давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни янада такомиллаштириш ҳамда дебитор-кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича доимий фаолият юритувчи комиссиянинг таркибларини тузиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Жамиятнинг “Жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган товар (иш, хизмат)ларнинг давлат харидларини амалга ошириш тартиби”га 1-иловага, жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган товар(иш, хизмат)ларнинг давлат харидларини ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни уларнинг зарурийлик даражасига кўра аниқлаштирувчи ва хулоса берувчи махсус комиссия таркиби 2-иловага, жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган товар (иш, хизмат)ларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошмайдиган миқдордаги давлат харидларини ўтказиш бўйича танлов комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг ташқи ташкилотлар билан ўзаро шартномавий муносабатларидан хўжалик фаолияти доирасида ҳосил бўладиган дебитор-кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича доимий комиссияси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхонанинг 2019 йил 11 ноябрдаги 230-и/ч-сонли буйруғи, ушбу буйруқ кучга кирган кундан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Кадрлар бўлими (Ҳ.Ашуров) – мазкур буйруқнинг электрон нусхасини жамиятнинг электрон ҳужжат алмашиш тизимига жойлаштирилишини ва барча бўлим, цех ва хизматларига етказилишини таъминласин.

5. Ушбу буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммада қолдираман.

Асос: Бошқарув раиси ўринбосарининг йиғилиш баёни ва менинг фармойишим.

Бошқарув раиси



О.Қурбонов

Жамият хўжалик фаолияти доирасида ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун зарур бўладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳар ойлик давлат харидларини амалга ошириш тартиби

1. Жамият хўжалик фаолияти доирасида ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун кейинги ойда зарур бўладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) давлат харидлари асосида етказиб берилиши учун талабномалар техник топшириқлари билан биргалиқда белгиланган шаклларда ҳар ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан барча таркибий тузилмалар томонидан шакллантирилиши, стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи билан келишилиши ҳамда ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлимига тақдим қилиниши зарур.

Талабномалар тақдим қилинганда уларда келгуси ой учун зарур бўладиган товар (иш, хизмат) ларнинг тўлиқ ва тўғри киритилиши, зарурий эҳтиёжидан ортиқча ёки кам бўлиши, кўрсатилган техник кўрсаткичларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик талабнома тақдим қилган таркибий тузилма раҳбарининг шахсан зиммасида бўлади.

Талабномаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

- Товар (иш, хизмат) нинг номи
- Техник кўрсаткичлари
- Ўлчов бирлиги
- Сони
- Харжатлар сметасида кўзда тутилган миқдори ва суммаси
- Ўтган йилда худди шу товар (иш, хизмат) учун сарфланган маблағлар бўйича маълумот

2. Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими томонидан қабул қилинган талабномалар 5 иш куни ичида тўлиқ кўриб чиқилиши, зарурийлик даражасига кўра аниқлаштирилиши ва ҳар ойнинг 20 санасигача умумлаштирилиши зарур.

Умумлаштирилган йиғма талабнома тегишлилигига кўра бош мутахассислар томонидан имзоланиб, тасдиқлаш учун жамиятнинг бошқарув раисининг биринчи ўринбосарига киритилади.

3. Жамиятнинг бошқарув раисининг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритилган йиғма талабнома 1 иш куни давомида кўриб чиқилиб тасдиқланади ёки камчиликлари мавжуд бўлса тегишли тузатишлар киритиш учун ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлимига йўналтирилади.

Тасдиқланган йиғма талабнома бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи номидан жамиятнинг бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосарига ёзилган хизмат хати билан йўналтирилади.

4. Бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари номига ёзилган йўзма талабнома 3 иш куни ичида бошқарув раисининг иқтисод ва молия бўйича ўринбосарининг тегишли хизматлари томонидан ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» талаблари асосида харидларни амалга ошириш учун тайёрланиши ва ҳар ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан ўрнатилган тартибда «Ўзкимёсаноат» АЖ нинг тегишли бўлими бўлими билан келишилишини таъминлаб харидларни амалга ошириш учун харидлар режа-жадвали махсус ахборот порталига жойлаштирилиши зарур.

Бунда харидлар режа-жадвалини махсус ахборот порталига жойлаштирилиши учун жамиятнинг моддий техник таъминот бўлими жавобгар бўлади.

5. Ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда харидлар ўтказилиши ҳақидаги эълонлар ой давомида, уларнинг зарурийлик даражасига кўра моддий техника таъминоти бўлими томонидан қўйиб борилади. Бунда моддий техника таъминоти бўлими қуйидагиларни амалга ошириши шарт ва белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади:

↓ ҳар қандай харидлар ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталида жойлаштирилишидан олдин жамият бошқаруви раисининг тегишли буйруғи билан ташкил қилинган тоқ сонли аъзолардан (камида беш кишидан) иборат махсус комиссия томонидан уларнинг зарурийлик даражаси аниқлаштирилиши ва бу тўғрисида махсус комиссиянинг тегишли хулосаси олинishi;

↓ товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилашда махсус комиссия билан келишилиши;

↓ бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот порталига ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши;

↓ давлат харидлари жараёнида электрон рақамли имзодан (кейинчалик ЭРИ) орқали амалга оширади, логин ва пароллари ҳақидаги маълумотларнинг бутлиги ҳамда учинчи шахсларга тарқатилмаслигини, шунингдек ЭРИдан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлайди ва жавобгар бўладилар.

6. Махсус комиссия томонидан харидларни амалга ошириш тўғрисидаги тегишли хулоса бўлгандагина харидлар ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталига жойлаштирилиши мумкин.

Махсус комиссия комиссия раиси, комиссия раиси ўринбосари ва комиссия аъзоларидан иборат бўлади.

Махсус комиссиянинг харидларни амалга ошириш тўғрисидаги тегишли хулоса бўлмаганда харидларни ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар фақатгина жамият бошқаруви раиси ёки бошқарув раисининг биринчи ўринбосарининг ёзма топшириқларига асосан махсус ахборот порталида жойлаштирилиши мумкин.

Комиссия раиси бўлмаган пайтларда унинг комиссия фаолияти давомидаги вазифаларини унинг ўринбосари ёки унинг вазифаси юклатилган шахс вақтинчалик бажариб туради.

7. Махсус ахборот порталига жойлаштирилган эълонлар бўйича харидлар амалдаги тартиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» талаблари асосида амалга оширилади.

Жамият асосий хўжалик фаолиятида зарур бўлган барча товар моддий бойликларнинг давлат харидларини амалга оширишга фақатгина моддий техник таъминот бўлими ҳақли.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) **рўйхати**” га киритилган товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича назорат тегишли комиссиялар зиммасига юклатилади.

9. Ягона етказиб берувчилардан харидни амалга ошириш учун ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган етказиб берувчилар билан товар (иш, хизмат) олиш бўйича порталда рўйхатга олинishi лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилишига рухсат этилади. Реестрда контрагент мавжуд бўлмаса, тўғридан-тўғри шартномани тузилишимумкин эмас.

10. Тўғридан-тўғри харид натижасида тузиладиган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай махсус ахборот порталида рўйхатга қўйилиши бўйича жавобгарлик шартнома тузилиши бўйича маъсул таркибий тузилма бошлиғи ва моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

11. Жамиятнинг бухгалтерия хизмати - шартнома порталда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун ўн кун мобайнида ҲҚКПдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиши. Бунда зақалат, шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланади.

12. Ижрочи томонидан товарлар етказиб берилган тақдирда, моддий техника таъминоти бўлими товарни (ишни, хизматни) қабул комиссияси иштирокида қабул қилади ва бу ҳақдаги маълумотларни шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва ғазначилик бўлимига тақдим этади.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва ғазначилик бўлими тақдим этилган ҳужжатлар асосида уч иш куни мобайнида Операторга шахсий кабинет орқали товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни киритади.

13. Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва ғазначилик бўлими шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган шартномалар бўйича 10 кун муддатда Операторга шахсий кабинет орқали тўлов амалга ошириш тўғрисидаги белги қўяди.

**“Дехқонобод калий заводи” АЖ нинг
2020 йил 27 мартдаги 108-и/ч сонли
буйруғига 2-илова**

Жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган иш ва хизматларнинг давлат харидларини ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни уларнинг зарурийлик даражасига кўра аниқлаштирувчи ва хулоса берувчи махсус комиссия таркиби

Комиссия раиси:

- Иқтисод ва молия бўйича бошқарув раиси ўринбосари;

Комиссия аъзолари:

- Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи(ИЧМ бўлими);
- Юридик бўлим бошлиғи;
- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими бошлиғи;
- СР ва БР бўлими бошлиғи;
- МТТ бўлими бошлиғи;
- Бош мутахасиси ёки талабнома киритган таркибий тузилма раҳбари;

Комиссия котиби:

Товар (иш, хизмат) лар хариди учун – МТТ бўлими мутахасислари;

Изоҳ: Махсус комиссия аъзолари хизмат сафарида бўлган ёки меҳнат таътилига чиққан тақдирда унинг ўрнига ўринбосари (ўринбосарига тенглаштирилган ходим) ёки унинг функциялари юклатилган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади ва унинг функция ҳамда вазифаларини бажаради.

Комиссия аъзоларининг таркибига зарурият кўра олинadиган товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли соҳа мутахассисларини киритиши ёки хулосани тақдим этилиши билан ўзгариши мумкин, бунда мутахассис ва котиби комиссия аъзоларининг асосий таркиби сифатида ҳисобга олинмайди. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши комиссия раиси томонидан таъминланиши шарт

**“Дехқонобод калий заводи” АЖ нинг
2020 йил 27 мартдаги 108 -и/ч сонли
буйруғига 3-илова**

Жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган иш ва хизматларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошмайдиган миқдордаги давлат харидларини ўтказиш бўйича танлов комиссияси таркиби

Комиссия раиси:

- Иқтисод ва молия бўйича бошқарув раиси ўринбосари;

Комиссия аъзолари:

- Бош бухгалтер;
- Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари-ИЧМ бўлими бошлиғи;
- Юридик бўлими бошлиғи;
- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими бошлиғи;
- СР ва БР бўлими бошлиғи;
- Техник назорат бўлими бошлиғи;
- МТТ бўлими бошлиғи
- Бош мутахасиси ёки талабнома киритган таркибий тузилма раҳбари;

Комиссия котиби:

Товар (иш, хизмат) лар хариди учун – МТТ бўлими мутахасислари;

Изоҳ: Махсус комиссия аъзолари хизмат сафарида бўлган ёки меҳнат таътилига чиққан тақдирда унинг ўрнига ўринбосари (ўринбосарига тенглаштирилган ходим) ёки унинг функциялари юклатилган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади ва унинг функция ҳамда вазифаларини бажаради.

Комиссия аъзоларининг таркибига зарурият кўра олинмайдиган товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли соҳа мутахассисларини киритиши ёки хулосани тақдим этилиши билан ўзгариши мумкин, бунда мутахассис ва котиби комиссия аъзоларининг асосий таркиби сифатида ҳисобга олинмайди. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши комиссия раиси томонидан таъминланиши шарт

“Дехқонобод калий заводи” АЖ нинг
2020 йил 27 мартдаги 108-и/ч сонли
буйруғига 2-илова

Жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган товар (иш, хизмат) ларнинг давлат харидларини ўтказилиши тўғрисидаги эълонларни уларнинг зарурийлик даражасига кўра аниқлаштирувчи ва хулоса берувчи махсус комиссия таркиби

Комиссия раиси:

- Иқтисод ва молия бўйича бошқарув раиси ўринбосари;

Комиссия аъзолари:

- Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи (ИЧМ бўлими);
- Юридик бўлим бошлиғи;
- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими бошлиғи;
- СР ва БР бўлими бошлиғи;
- МТТ бўлими бошлиғи;
- Бош мутахасиси ёки талабнома киритган таркибий тузилма рахбари;

Комиссия котиби:

Товар (иш, хизмат) лар хариди учун – МТТ бўлими мутахасислари;

Изоҳ: Махсус комиссия аъзолари хизмат сафарида бўлган ёки меҳнат таътилига чиққан тақдирда унинг ўрнига ўринбосари (ўринбосарига тенглаштирилган ходим) ёки унинг функциялари юклатилган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади ва унинг функция ҳамда вазифаларини бажаради.

Комиссия аъзоларининг таркибига зарурият кўра олинмадиган товар (иш, хизмат) ларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли соҳа мутахассисларини киритиши ёки хулосани тақдим этилиши билан ўзгариши мумкин, бунда мутахассис ва котиби комиссия аъзоларининг асосий таркиби сифатида ҳисобга олинмайди. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши комиссия раиси томонидан таъминланиши шарт

**“Дехқонобод калий заводи” АЖ нинг
2020 йил 27 мартдаги 108-и/ч сонли
буйруғига 3-илова**

Жамият хўжалик фаолияти доирасида зарур бўладиган товар (иш, хизмат) ларнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошмайдиган миқдордаги давлат харидларини ўтказиш бўйича танлов комиссияси таркиби

Комиссия раиси:

- Иқтисод ва молия бўйича бошқарув раиси ўринбосари;

Комиссия аъзолари:

- Бош бухгалтер;
- Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари-ИЧМ бўлими бошлиғи;
- Юридик бўлими бошлиғи;
- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими бошлиғи;
- СР ва БР бўлими бошлиғи;
- Техник назорат бўлими бошлиғи;
- МТТ бўлими бошлиғи
- Бош мутахасиси ёки талабнома киритган таркибий тузилма раҳбари;

Комиссия котиби:

Товар (иш, хизмат) лар хариди учун – МТТ бўлими мутахасислари;

Изоҳ: Махсус комиссия аъзолари хизмат сафарида бўлган ёки меҳнат таътилига чиққан тақдирда унинг ўрнига ўринбосари (ўринбосарига тенглаштирилган ходим) ёки унинг функциялари юклатилган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади ва унинг функция ҳамда вазифаларини бажаради.

Комиссия аъзоларининг таркибига зарурият кўра олинмайдиган товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли соҳа мутахасисларини киритиши ёки хулосани тақдим этилиши билан ўзгариши мумкин, бунда мутахасис ва котиби комиссия аъзоларининг асосий таркиби сифатида ҳисобга олинмайди. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши комиссия раиси томонидан таъминланиши шарт

‘Дехқонобод калий заводи’ АЖ нинг
2020 йил 17 мартдаги 108 и/ч сонли
буйруғига 4-Илова

Жамиятимизнинг ташқи ташкилотлар билан ўзаро шартномавий муносабатларидан хўжалик фаолияти доирасида ҳосил бўладиган дебитор-кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича доимий комиссияси таркиби:

Комиссия раиси:

- Иқтисод ва молия масалалари бўйича директор;

Комиссия аъзолари:

- Бош бухгалтер;
- Маркетинг ва сотиш бошқармаси бошлиғи;
- Моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи;
- Юридик бўлими бошлиғи;
- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими бошлиғи;
- Бош бухгалтер ўринбосари;

Комиссия котиби:

- Шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими мутахассиси

Изоҳ: Махсус комиссия аъзолари хизмат сафарида бўлган ёки меҳнат таътилига чиққан тақдирда унинг ўрнига ўринбосари (ўринбосарига тенглаштирилган ходим) ёки унинг функциялари юклатилган шахс комиссия аъзоси ҳисобланади ва унинг функция ҳамда вазифаларини бажаради. Комиссия аъзоларининг сони тоқ бўлиши комиссия раиси томонидан таъминланиши шарт